

Диннинг азамати



11:00 / 13.06.2020 4918

Франциялик Шарль Эжен де Фуко католик черкови роҳиби бўлган. У умрининг бир қисмини саҳрои кабирда яшайдиган мусулмон қабилалар орасида ўтказган. 11 йил мусулмонларни насронийлик динига тарғиб қилган. Бироқ бирор-бир бадавийни динидан қайтаришга эришмаган. Ҳатто унга катта маош эвазига хизмат қиладиган кампир ҳам унга шундай деган эди:

«Сен яхши, очиқ юзли инсонсан. Аммо кофир ҳолингда ўлиб кетишинг ачинарлидир!»

Мисрдаги қишлоқлардан бирига миссонерлар келишади. У ердаги аҳолини насронийликка қизиқтириш учун мактаб ва диспансер қуришади. Диспансернинг очилиш маросимида жуда кўп одам жамланади. Йиғилганлар баланд овозда шовқин-сурон қилишади. Уларни пастор жим

қила олмайди. Шунда ерлик оқсоқол пастордан рухсат олиб одамларга бақирди: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтинглар»!**

Кишилар бир овозда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтиб жим бўлишди. Тинчлик ҳукм сурди.

Бу уммат танасига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иймон ва муҳаббат уруғини ташлаганлар. У уруғ умматнинг қалби тўрида ўсади. У бутун танага шохларини ёяди. Биздаги инсонлар бир хатни тўғри ёза олмаслиги, бир жумлани тўғри туза олмаслиги, оламда бўлаётган ишларга ақли етмаслиги мумкин, аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдида зикр қилинганларида улар муҳаббат файласуфига айланишади, у зотга эргашишда аллома бўлиб кетишади.

Бир кампирни кўрасан, у фикҳдан таҳорат ва намоздан ўзга нарсани билмайди. Асога таяниб зўрға юради. Аммо унга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида гапирсанг, гўё руҳ пуфлагандек бўласан унинг руҳига.

Islom.uz портали таҳририяти